

6-1-2021

THE ROLE OF DIVIDEND POLICY IN THE DEVELOPMENT OF THE CAPITAL MARKET

B. Tashmuradova

Tashkent Institute of Finance

S. Ergasheva

Tashkent Institute of Finance

D. Matyakubova

Tashkent Institute of Finance

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Tashmuradova, B.; Ergasheva, S.; and Matyakubova, D. (2021) "THE ROLE OF DIVIDEND POLICY IN THE DEVELOPMENT OF THE CAPITAL MARKET," *International Finance and Accounting*: Vol. 2021 : Iss. 3 , Article 23.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2021/iss3/23>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Б.Э.Ташмурадова, С.Э.Эргашева, Д.А.Матякубова

Тошкент молия институти

КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДИВИДЕНД СИЁСАТИНИНГ РОЛИ

Аннотация: Ушбу мақолада капитал бозорини ривожлантиришда дивиденд сиёсатининг ролини таҳлил қилишда турли иқтисодчи олимларнинг қарашлари ёритилган. Дивиденд сиёсатининг мазмун-моҳияти, хусусиятлари ва дивиденд сиёсати бўйича турли ёндашувлар ўрганилган. Шунингдек, Ўзбекистонда капитал бозорини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар, мамлакатимизда капитал бозорини ривожлантириш бўйича жорий ҳолат ва келгусидаги режалар таҳлил қилинган. Акциядорлик жамиятларидаги дивиденд сиёсати “Жиззах пластмасса» АЖ мисолида ўрганилган. Капитал бозорини ривожлантиришда дивиденд сиёсатининг роли бўйича илмий хулоса ва тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: капитал, капитал бозори, дивиденд, дивиденд сиёсати, соф фойда.

B.E.Tashmuradova, S.E.Ergasheva, D.A.Matyakubova

Tashkent Institute of Finance

THE ROLE OF DIVIDEND POLICY IN THE DEVELOPMENT OF THE CAPITAL MARKET

Abstract: This article discusses the views of various economists in analyzing the role of dividend policy in the development of the capital market. Essence, characteristics and different approaches of dividend policy have been studied. Moreover, the ongoing reforms in the development of the capital market in Uzbekistan, the current state and future plans for the development of the capital market in our country have been analyzed. Dividend policy in joint-stock companies is studied on the example of JSC "Jizzax Plastmassa". Scientific conclusions and recommendations have been given on the role of dividend policy in the development of the capital market.

Keywords: capital, capital market, dividend, dividend policy, net profit.

КИРИШ

Республикаимизда иқтисодиётни бозор муносабатлар талабларида шакллантиришнинг муҳим негизи сифатида капитал бозорини ривожлантириш ҳукумат томонидан долзарб бўлиб қолмоқда ва бу борада бир қанча муҳим ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6207-сон фармони мазкур йўналишда муҳим ижобий ўзгаришларга хизмат қилиши кутилмоқда. Унда капитал бозорини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган бўлиб, уларда бир қанча муҳим вазифалар ўз аксини топди:

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бу ишларни амалга ошириш йўналишлари бўйича махсус дастур тузилган бўлиб, “2021-2023 йилларда капитал бозорини ривожлантириш Дастури” мамлакатимизда капитал бозорини ривожлантириш орқали иқтисодий ривожланишни таъминлашда

муҳим аҳамиятга эга бўлади. Президент фармонида “инвестиция муҳитини тубдан такомиллаштириш, давлат акциялар пакетини сотиш жараёнларини янада чуқурлаштириш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш, хусусий мулк дахлсизлиги, унинг роли ва аҳамиятини ошириш, шу жумладан давлат активларини бошқаришнинг замонавий ёндашувларига ўтиш, капитал бозорини иқтисодиётни ривожлантиришнинг етакчи омилларидан бирига айлантириш мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг муҳим шarti” қилиб белгиланди.

Уни амалга ошириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлиб қолмоқда:

1. Юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан депо ҳисобварақларини масофадан туриб очиш ва акцияларнинг бирламчи (IPO) ва иккиламчи (SPO) оммавий таклифларига ариза бериш, давлат ва корпоратив облигациялар ҳамда бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш учун буюртма бериш тартибини белгилаш;

2. Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан маҳаллий эмитентларнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш учун кўшимча имкониятлар яратиш;

3. Капитал бозорида суғурта компанияларининг иштирокини рағбатлантириш;

4. Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда инвестиция фондларини ташкил этиш;

5. Капитал бозори соҳасига оид масалалар бўйича аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш дастурларини амалга оширишда барқарор механизмларни жорий этиш.

Бу дастурнинг муҳим йўналиши сифатида “Капитал бозори ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда корпоратив ҳаракатлар стандартини жорий этиш ва дивидендларни тўлаш тартибини такомиллаштириш” масалалари белгиланди. Дарҳақиқат мамлакатимизда самарали, оптимал, адолатли дивиденд сиёсати олиб борилмас экан, капитал бозорини ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган тадбирлар ўз самарасини кўрсатмайди. Хозирги пайтда дивиденд сиёсати борасидаги ҳолат, яъни дивидендларнинг тўланиши йирик давлат акциядорлик жамиятларида деярли мавжуд эмас. Шунингдек уларда корпоратив бошқарув тизими ҳам амалда талаб даражасидан узоқда. Бу албатта давлатнинг иқтисодий тизимда тутган ўрни билан баҳоланади. Демак паралел равишда капитал бозорининг ривожланиши дивиденд сиёсати такомиллаштирилиб борилиши зарурдир.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Дивиденд сиёсати, унинг турли жиҳатлари кўплаб маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимлар томонидан ўрганиб келинмоқда. Мавзуга бўлган бундай эътибор бир қатор омиллар билан белгиланади. Фикримизча, уларнинг асосийлари иқтисодчи олимлар Дж.К.Шим ва Дж.Г.Сигел

томонидан шакллантирилган бўлиб, уларнинг таъкидлашича, биринчидан, дивиденд сиёсати инвестицион муносабатларга таъсир кўрсатади. Акциядорлар дивидендларни мунтазам камайтирувчи акциядорлик жамиятларига салбий муносабатда бўлиб, бу ҳолат ўз навбатида акцияларнинг бозор баҳосини тушиб кетишига сабаб бўлади [1].

Дивиденд сиёсати масалалари бизнес муҳитида ҳам юқори аҳамиятга эга. Жумладан, Moody's агентлигининг корпоратив рейтинглар бошқарувчиси Виктория Майсурадзенинг фикрига кўра, “Дивиденд сиёсати – компаниянинг кредит рейтингини аниқлашдаги асосий факторлардан бири ҳисобланади” [2].

Иқтисодчи олимлар Брейли ва Майерслар томонидан, фойдани тақсимлаш масаласи, хусусан, дивиденд тўловларини амалга ошириш билан боғлиқ мунозаралар, молия соҳасидаги ҳал қилинмаган муаммолар ўнталигига киритилган [3]. Бу эса ушбу масалалар тадқиқотчилар ва амалиётчилар ўртасида мунозарали мавзу бўлиб қолаётганлигини кўрсатади.

А.Бенджамин, Л.Хайденларнинг фикрича, дивидендларни тақсимлашни икки турга ажратиш мумкин: даврий, доимий (бунда дивидендлар фақатгина маълум муддат келгандан кейин ёки аниқ белгиланган саналарда тўлаб берилади) ва ҳар қайси вақтда тўлаб бериладиган (бунда акциядорларнинг талабномасига мувофиқ ҳар қайси даврда дивидендлар тўлаб берилади). Дивидендларни ҳар иккала тури ҳам мутаносиб равишда қўшимча транзакцион харажатларни талаб қилади, аммо буюртмадан ташқари тўловлар доимий операцион харажатларни ҳам келтириб чиқариш мумкин. Иккала тақсимот турини ўз ичига олган дивиденд стратегияси “гибрид” хусусиятга эга ҳисобланади [4].

Акциядорлик компанияларининг инвестицион жозибadorлигини таъминлашдаги муҳим омил дивиденд сиёсати бўлиб, айнан дивиденд сиёсатини оптималлаштириш орқали миноритар акциядорларнинг ҳам манфаатларини ҳимоя қилишга эришиш мумкин [5].

Дивиденд сиёсати масаласига республикамиздаги тадқиқотчи олимлар ҳам ўз илмий қарашларини баён этган тадқиқотлар олиб боришмоқда. Хусусан, профессор Р.Карлибаева ҳамда PhD А.К.Таспанова томонидан ҳам дивиденд сиёсати турини аниқлашда шу каби ёндашувдан фойдаланилади, уларнинг фикрига кўра, “назариялардан амалда фойдаланиш дивиденд сиёсатини шакллантиришда учта – “консерватив”, “ўртача (муросали)” ва “агрессив” ёндашувни ишлаб чиқишга имкон беради” [6].

С.Элмирзаев, С.Омоновлар таъкидлашича, дивиденд сиёсатининг асосий мақсади - акциядорларнинг даромадлилигини ошириш. Агар компанияда даромадлилик даражаси юқори бўладиган фойдали инвестиция лойиҳалари мавжуд бўлса, компания инвестициялар учун фойдани ушлаб туриши керак бўлади, акс холда, ушбу фойда дивиденд сифатида тўланиши керак. Биринчи вазиятда, компания ва компания акциядорлари аниқ вақт даври ва пул суммасини ўз ичига олган стратегик инвестиция лойиҳаларига эга бўлса, юқори даромад олишади. Агар компанияда бундай режа бўлмаса,

пулни дивиденд сифатида бериш яхшироқдир. Бу компанияга акциядорларнинг ишончини оширишга ва бошқа потенциал инвесторларни жалб қилишга ёрдам беради. Шу билан бирга, бу бозорда акциялар нархининг ошишига олиб келади [7].

Шунингдек, дивиденд сиёсатида дивиденд ва қайта инвестиция ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, молиявий бошқарув қарорлари, қўшиб олиш хавфи каби жиҳатлар эътиборга олинishi керак. Бундан ташқари, оқилона дивиденд сиёсатида миноритар акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳам ҳисобга олинishi керак [8].

Р.Кунаров, Ж.Буриевлар тижорат банкларининг дивиденд сиёсатини ўрганган бўлиб, уларнинг фикрича, тижорат банклари олдида турган капитал етарлилиги билан боғлиқ жиддий талаблар хусусий капитал миқдорини ҳам мунтазам ошириб бориш заруратини юзага келтирмоқда. Хусусий капиталнинг асосий манбаси сифатида эса устав капитали кўз олдимизга келади. Ўз навбатида устав капиталини ошириб бориш учун банк акцияларига инвесторларнинг доимий қизиқиши лозим бўлади. Инвесторлар қизиқиши ошишига сабаб бўлувчи акцияларнинг инвестицион жозибадорлиги масаласи эса кўп жиҳатдан банклар томонидан юритилаётган дивиденд сиёсати, дивиденд тўловлари даражасига бевосита боғлиқ [9].

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6207-сонли Фармонида капитал бозорини ривожлантириш устувор йўналишлари белгилаб берилган. Жумладан:

- капитал бозорининг рақобатбардошлигини ошириш ва унинг капиталлашувини 2023 йил якунига қадар 45 трлн сўмга етказиш, банк томонидан кредитлашга муқобил бўлган самарали молиялаштириш механизмини яратиш;

- халқаро молия бозорлари билан фаол интеграциялашув, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш ва хорижда муваффақиятли синовдан ўтган илғор ёндашувларни қўллаш орқали барча тоифадаги инвесторлар учун капитал бозорининг қулайлигини ошириш;

- капитал бозорининг уйғун фаолияти ва унинг барча сегментлари ривожланишини таъминлаш орқали 2023 йил якунига қадар республика ва ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида лойиҳаларнинг қимматли қоғозлар чиқариш орқали молиялаштирилган қисмини 5 фоизга етказиш;

- соҳага илғор халқаро амалиётни жорий қилиш, ортиқча тўсиқлар ва чекловларни бартараф этиш орқали фонд бозорида ривожланиш мақсадларига йўналтирилган инвестицияларни фаол молиялаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

- халқаро мезонлар ва тажрибаларни жорий қилган ҳолда, капитал бозорини тартибга солишнинг яхлитлигини ва тизимли

таваккалчиликларнинг олдини олишни таъминловчи қонунчилик базасини яратиш;

- капитал бозорини замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар билан таъминлаш тизимини ривожлантириш, истиқболли, шу жумладан хорижий мутахассисларни жалб қилиш учун жозибадор шарт-шароитларни яратиш;

- капитал бозори учун соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни тизимли йўлга қўйиш;

- миноритар инвесторлар, капитал бозорининг бошқа иштирокчилари ҳамда аҳоли кенг қатламларининг билимлари, кўникмалари ва молиявий саводхонлигини оширишни қўллаб-қувватлаш дастурлари доирасида 2023 йил якунига қадар 40 минг нафар аҳолини қамраб олиш [10].

Молия вазирлиги, Марказий банк, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг «Молия ва инвестиция саводхонлиги» дастурини амалга ошириш ва унинг асосий вазифаларини белгилаб берилган.

“2021 - 2023 йилларда капитал бозорини ривожлантириш Дастури” да, бугунги кунда капитал бозорини янада ривожлантириш, рақобат муҳитини шакллантириш ва фонд бозори ликвидлигини оширишни рағбатлантириш билан боғлиқ ўз ечимини кутаётган бир қатор долзарб муаммолар ва камчиликлар мавжудлиги таъкидланиб ўтилди. Хусусан:

– капитал бозорини ривожлантириш соҳасида давлатнинг стратегик режалаштириш тизими мавжуд эмас;

– эркин муомаладаги қимматли қоғозларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмига нисбатан улуши паст (0,3 фоиз);

– фонд бозорида амалга оширилаётган битимларнинг юқори қисми (биржадаги ҳажмларнинг 70 фоизидан ортиғи) давлат иштирокидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда;

– қимматли қоғозлар бозорининг ликвидлиги паст, давлат қимматли қоғозлари иккиламчи бозорини ривожлантириш зарурияти мавжуд, амалиётга жорий этилган молиявий маҳсулотлар турлари етарли эмас, давлат акция пакетлари «битта акция битта лот» тамойили асосида сотилмайди ва хўжалик юритувчи субъектларнинг қимматли қоғозлар бозорида маблағ жалб қилишга бўлган қизиқиши паст;


– капитал бозорига узоқ муддатли молиявий ресурсларга эга йирик институционал инвесторларни жалб қилиш бўйича ишлар суст олиб борилмоқда;

– бозор инфратузилмаси замонавий ахборот-коммуникация тизимлари билан етарли даражада таъминланмаган, шунингдек, ушбу соҳада маҳаллий тизимларнинг имкониятларидан самарасиз фойдаланилмоқда;

– минтакавий даражада капитал бозори инфратузилмаси мутлақо ривожланмаган;

- капитал бозори соҳасида бозор капиталлашувини ошириш чораларини фаол равишда илгари суриш ва амалга оширишга имкон берадиган юқори малакали мутахассислар етишмайди;
- соҳани номутаносиб тартибга солишни назарда тутувчи ҳамда замонавий бозор талабларига ва халқаро стандартларга жавоб бермайдиган ҳуқуқий ҳужжатлар кўп;
- корпоратив муносабатлар замонавий ёндашувлар асосида ташкил этилмаган.

Бу муаммоларнинг ҳал қилиниши капитал бозорининг имкониятларидан кенг фойдаланишга, акциядорлик жамиятлари капиталлашуви ва ликвидлигини таъминлашга, инвестицияларни жалб этишга, иқтисодиёт ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳалари ривожига имконият яратади. Қуйидаги расм маълумотлари орқали капитал бозорини ривожлантиришдаги жорий ҳолат ва амалга оширилиши лозим бўлган узоқ муддатли режалар ҳақида маълумотлар келтирилган (1-расм).



1-расм. Капитал бозорида жорий ҳолат, ўрта муддатли ва узоқ муддатли режалар [10]

Акцияларни дастлабки очик оммавий жойлаштириш субъектларидан бири «Жиззах пластмасса» АЖ ҳисобланади. Акцияларни қўшимча жойлаштириш режасига кўра: таклиф қилинадиган оддий акциялар миқдори


– 1140 246 дона; бир шахсга чегара -11402 дона (қўшимча эмиссиянинг 1% дан ошмаган ҳолда); нарх диапозони-3 400-3 541 сум; андеррайтер - МЧЖ «Portfolio Investments»; подписка бошланиши ва тугаши – 12.12.2019 дан 13.03.2020 йилгача. «Жиззах пластмасса» АЖ ривожланиш самарадорлиги ва иқтиқболларини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

“Жиззах пластмасса» АЖ нинг хусусий капитали ва активларининг ўзгариш динамикаси (2014-2020 йй) [11]

№	Кўрсаткич	Хусусий капитал			Активлар		
	Йиллар	хақиқатд	Ўтган йилга нисбатан ўсиш		хақиқат	Ўтган йилга нисбатан ўсиш	
			+, -	%		+, -	%
1	2014	1735,84	-	-	18129,8	-	-
2	2015	2363,92	628,08	136,2	21458	3328,17	118
3	2016	3589,25	1225,33	151,8	17329,2	-4128,8	80,8
4	2017	17790,01	14200,76	495,6	30435,2	13106	176
5	2018	35313,12	17523,11	198,5	46903,7	16468,5	154
6	2019	39086,46	3773,34	110,7	56295,2	9391,43	120
7	2020	44184,49	5098,03	113	56752	456,88	101

Кўриш мумкинки, йиллар давомида барча кўрсаткичлар бўйича ўсиш кузатилади. Хусусий капиталнинг энг кўп даражада ўсиши 2017 йилга тўғри келади, бунда ўсиш деярли беш баравар бўлган. Жадвал маълумотлари тасдиқлайдики, хусусий капиталнинг ўсиши соф фойданинг кескин ўсиши натижасида юз берган (2-расм).




2-расм. «Жиззах пластмасса» АЖ нинг 2014-2020 йилларда соф тушуми ва соф фойдасининг ўзгариш динамикаси [12]

Капитал бозорини ривожлантиришнинг муҳим омили бу дивиденд сиёсатинини такомиллаштириш эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Шу туфайли капитал бозори ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда корпоратив ҳаракатлар стандартини жорий этиш ва дивидендларни тўлаш тартибини такомиллаштириш вазифаси ҳукумат томонидан белгиланган. Капитал бозорини ривожлантиришда дивиденд сиёсати роли катта бўлиб, уни қуйидагиларда кўриш мумкин:

- капитал, молия бозорини ривожлантириш омилларидан бири - даромадлар қайта тақсимланиши орқали истеъмол бозорини мувофиқлаштириш воситаси;
- аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш имконини беради;
- дивидендлардан солиқ тўловлари ҳисобига давлат бюджети даромадларини ошишига имкон беради;
- инвестицион жозибадорликка таъсир этади;
- акциялар курсини шакллантирувчи омил ҳисобланади;
- молиявий ресурсларни шакллантириш жараёнига таъсир этади;
- акциядорлик жамиятлари капитализация ҳажмига таъсир ўтказа олади.

Қуйида биз таҳлил этаётган АЖ да соф тушум ва соф фойданинг ўсиши натижасида дивиденд тўловларининг ўсишини кузатамиз (3-расм).



3-расм. 2014-2020 йилларда «Жиззах пластмасса» АЖда хусусий капиталга ва соф фойдага нисбатан дивидендларни ҳисоблаш динамикаси [12]

Жаҳонда дивидендлар билан боғлиқ қарорларга илмий доирада ҳам кизиқиш юқори ҳисобланади. Жумладан, дунё амалиётида дивиденд сиёсатини самарали ташкил этиш ва бунда акциядорлик жамиятлари инвестицион жозибадорлигини ошириш борасида кўплаб илмий тадқиқот

ишлари амалга оширилган бўлиб, ушбу тадқиқотларда дивиденд сиёсатининг корпоратив молиявий бошқарувдаги ўрнини белгилаш, дивиденд сиёсатининг пул оқими ва акцияларнинг бозор баҳосига таъсирини аниқлаш, турли дивиденд сиёсати турларининг афзалликлари ва камчиликларини тадқиқ этиш, тўланаётган дивидендлар миқдорига таъсир этувчи омилларни баҳолаш, дивиденд тўловлари ва уларнинг турлари ўртасидаги фарқларни таснифлаш, компаниянинг ўз акцияларини сотиб олиш сабабларини аниқлаш каби масалалар ўрганилган. Бироқ, жаҳонда дивиденд сиёсатининг турлича талқини, унинг компаниялар инвестицион жозибадорлигига таъсири бўйича қарашлар турли даражадалиги, оптимал дивиденд сиёсатини шакллантириш билан боғлиқ айрим масалалар ҳозиргача ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Бу эса акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсатини самарали ташкил этиш орқали молиявий ресурсларни бошқариш бўйича оптимал қарорлар қабул қилиш, уларда молиявий таъминотни мустаҳкамлашда замонавий инструментлардан кенг фойдаланиш, инвестицион қарорлар қабул қилишда бошқарув стратегияларини жорий этиш, хусусийлаштириш амалиётларини самарали ташкил этиш каби долзарб вазифалар ижросини таъминлашни тақозо этади. Мазкур вазифаларнинг бажарилишини таъминлашда акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсатини халқаро тажрибалар асосида оптималлаштириш, инвестицион жозибадорликни ошириш кўрмаган.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Мамлакатимизда капитал бозорини ривожлантириш масалаларига юқори даражада эътибор берилаётганлиги капитал бозоридаги талабни ошириш бўйича мавжуд муаммоларнинг комплекс ечимини таъминлашга, капитал бозоридаги талабни оширишни рағбатлантиришга қаратилгандир Унинг бир қисми сифатида дивиденд сиёсатини ривожлантириш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Шу мақсадда бу борада қуйидагиларни амалга ошириш лозимдир:

1. Корпоратив ҳаракатлар стандартини ҳамда дивиденд сиёсатини жорий этиш бўйича хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш.
2. Акциядорлик жамиятларида татбиқ этиладиган тавсиявий характерга эга корпоратив ҳаракатлар стандартларини ишлаб чиқиш.
3. Акциядорлик жамиятларида татбиқ этиладиган тавсиявий характерга эга корпоратив ҳаракатлар стандартларини ишлаб чиқиш.
4. Акциядорлик жамиятларида бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва инвестициявий жозибадорликни оширишга хизмат қиладиган дивиденд сиёсатини юритиш тартибини жорий этиш, шу жумладан «Дивидендларни эълон қилиш санаси» (Declaration date), «Сўнгги рўйхатга олиш санаси» (Holder-of-Record Date), «Экс-дивиденд санаси» (Ex-dividend date) ва «Тўлов санаси» (Payment Date) тушунчаларини жорий этиш ва ушбу саналарнинг амал қилиш тартибини белгилаш лозим.

Капитал бозорини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар режаси албатта муҳим аҳамиятга эга. Лекин бу тадбирлар аввало мамлакат умумий иқтисодиёти юксалиши билан бир қаторда ижтимоий соҳани ривожлантиришга, ишсизлик муаммосини хал қилишга, жамиятда ва иқтисодий субъектлар ўртасида даромадларнинг тўғри ва адолатли тақсимланишига хизмат қилиши шарт. Юқорида таҳлилларда кўриб ўтдикки, тадбир республикамиз иқтисодиётида хал қилувчи аҳамиятга эга бўлган, ЯИМ нинг асосий қисмини таъминлайдиган, юқори даражада даромадлиқка эга бўлган, монопол, молиявий мустақиллик коэффициенти жуда баланд бўлган, бюджет даромадларнинг асосий қисмини тўлайдиган йирик давлат корхоналарини акцияларни чиқариш ва капиталлаштириш устида кетмоқда. Бу жараёнда акциялар сотилишида кенг халқ оммасининг иштирок этишини таъминлаш, унинг адолатли ўтказилишига эришиш, айрим тоифа шахсларнинг бу соҳага эғалиқ қилиш имкониятини яратиб қўйишни олдини олиш зарур. Акс ҳолда бу давлат аҳамиятига эга бўлган стратегик объектларда яратилаётган даромаднинг дивиденд тизими орқали айрим тоифадагиларнинг қўлига ўтишига олиб келади. Бу эса мамлакатда даромадларнинг қайта тақсимланишида дисбаланснинг юзага келишига ва ижтимоий муаммоларни келтириб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шим Джей К., Сигел Джоэл Г. Финансовый менеджмент: пер. с англ. М.: Филин, 1996. 400 с. 342 стр.
2. Товкайло М., Плотонова О. и Фомченко Д. По иностранному счету//Ведомости. - 14 май 2013 г.. - 81 (3343). - стр. 4.
3. Brealey R.A., Myers S.C., Allen F. Principles of Corporate finance, 1th global edition. 2014.
4. Benjamin Avanzi, Hayden Lau, Bernard Wong On the optimality of joint periodic and extraordinary dividend strategies//European Journal of Operational Research, Available online 24 April 2021.
5. Rodrigo Saens, Tamara Tigero Mandatory dividend rules and the investment decision: The case of Chile//The North American Journal of Economics and Finance Volume 56, April 2021, 101373.
6. Р.Х.Карлибаева, А.К.Таспанова, Акциядорлик жамиятларининг дивиденд сиёсати//“Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни шакллантиришда менежмент ва корпоратив бошқарувнинг аҳамияти” халқаро илмий-амалий конференция, 2020 йил 20 май, 229-235 бетлар.
7. Elmirezayev, S. and Omonov, S. (2020) "DIVIDEND POLICY ANALYSIS IN DEVELOPED COUNTRIES AND DIVIDEND ARISTOCRATS", International Finance and Accounting: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 22. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss2/22>
8. Sherkuzieva, N. and Omonov, S. (2020) "THE CURRENT STATE OF DIVIDEND POLICY IN JOINT-STOCK COMPANIES IN UZBEKISTAN AND

ITS DEVELOPMENT WAYS," International Finance and Accounting: Vol. 2020 : Iss. 5 , Article 16. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss5/16>

9. Kunarov, R. and Buriyev, J. (2020) "FEATURES OF THE DIVIDEND POLICY OF COMMERCIAL BANKS," International Finance and Accounting: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 17. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/17>

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6207-сонли Фармони.

11. <https://ffin.ru/about/company/us/68889/> - «Freedom Finance» ҳисоботи маълумотлари.

12. <https://www.jizplast.uz/corp> - “Жиззах пластмасса заводи” АЖ молиявий ҳисоотлари ва муҳим фактлари